

Маҳфуза АЛИМОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тарих фанлари номзоди, доцент

МОВАРОУННАҲР МУҲАДДИСЛАРИНИНГ ОЛИЙ ИСНОДЛИ ҲАДИС ТЎПЛАМЛАРИ

VII асрда Арабистон ярим оролида ўз ривожланишини бошлаган ҳадис илми IX асрга келиб қатор муҳаддислар томонидан ўзининг юқори чўққисига етказилган. Маълумки, ушбу давр ҳадис илмининг «олтин асри» деб таърифланган. Чунки айнан шу даврда яшаган муҳаддислар томонидан энг машҳур ва ишончли ҳадис тўпламлари («Сихоҳ ситта», Аҳмад ибн Ханбалнинг «Муснад»и, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримийнинг «Сунан»и кабилар) таълиф этилди. Аммо ушбу тўпламлардан ташқари муҳаддислар томонидан яна бир услубда ёзилган асарлар тури ҳам юзага келди-ки, у фақат шу асрга хос ва мос бўлган. Бу турдаги асарлар «Сулосийёт» номи билан аталган. «Сулосийёт»ларда ўз номидан келиб чиқиб, фақат учта ровий орқали ривоят қилинган ҳадислар жамланган. Бунда асар муаллифи (муҳаддис) ҳамда Расулуллоҳ (с.а.в.) ўртасидаги ровийларнинг сони уч кишидан иборат бўлган. Манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, бу услубда Имом ад-Доримий, Имом ал-Бухорий, аш-Шайх Абу Исҳоқ, Абд ибн Ҳумайд, Имом ат-Термизий каби муҳаддислар асарлар таълиф этганлар. Ҳожи Халифа Имом ад-Доримийнинг «Сулосийёт»ида 15 та, Имом ал-Бухорийникида 22 та ҳадис ривоят қилинганлиги, ушбу ҳадислар муҳаддисларнинг ҳадис тўпламлари ичига киритилганлигини қайд этади¹.

Бирор ҳадис китоби мутолаа қилинадиган бўлса, кўпинча *“фалончи фалондан, у эса Расулуллоҳнинг ... деганларини эшитдим”*

каби жумлаларга кўз тушади. Ҳадис асосан икки қисм, санад ва матндан ташкил топади. Ҳадиснинг бошланиш, яъни Пайғамбар (с.а.в.) дан ҳадис тўпламини ёзган муҳаддисгача бўлган ровийлар занжири санадлар қисми ҳисобланади. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳадислари бугунга қадар ишончли тарзда етиб келишини айнан мана шу санадлар қисми таъминлаган.

IX асрда ёзилган ҳадис тўпламларига жамланган ҳадисларнинг аксарияти тўрт ровийли исноддан ташкил топган. Муҳаддислар тинмай изланишлари, илмий сафарлари натижаси ўларок, иснодни қисқартиришга эришганлар. Улар сулосийётларини мавзусига қараб, ҳадис тўпламларининг турли бобларига киритиб юборганлар. Сулосийётларда *кичик табақа атбоъ* (ёки *табаъ тобеъий*)→*кичик табақа тобеъий*→*саҳобий* силсиласи орқали ҳадис ривоят қилинади. IX асрда фаолият юритган муҳаддислар –Имом ад-Доримий, Имом ал-Бухорий ва бошқалар *табаъ атбоъларнинг ўрта табақасига* мансубдирлар.

Кейинги давр уламолари асарларни ўрганиб чиқиб, улар орасида Имом ад-Доримийнинг асарини «энг сараси» деб топганлар. Чунки унга киритилган ҳадисларнинг ровийлар занжири - «олий иснод» сифатида эътироф этилган. Маълумки, VIII-IX асрларда муҳаддислар асосан ик ки мақсадда рихлат қилганлар. Аввало, олий иснодни қўлга киритиш ва ҳадисларни узоқ муддат давомида эшитиш бўлса, иккинчидан, ҳадисларни кўп ёдлаганлар билан учрашиш ва улардан фойдаланиш бўлган. Шунинг учун барча машҳур муҳаддислар ҳар

¹ Кашф аз-зунун. I-ж., -Б.637.

бир ҳадисни айнан ўз ровийсидан (агар у ҳаёт бўлса) эшитиб, иснодни иложи борича қисқа, аниқ ва ишончли бўлишига интиланлар.

Рус олимларидан Д.В.Ермаков ўзининг “Ҳадислар ва ҳадис адабиёти” номли тадқиқотида А.Арберрининг уч ровийли иснодлардан ташкил топган ҳадис тўпламлари (Сулосийёт) ҳақида нодир қўлёзма асосида илмий изланишлар (Arberry A.J. Traditions by Three Links.-IQ. 1969, 13/4, 169-182) олиб борганлигини қайд этган². Лекин ушбу тадқиқот айнан қайси манбаларга асосланганлигини ҳақида батафсил тўхталмайди.

Туркиялик тадқиқотчи Абдуллоҳ Айдинли эса Имом ад-Доримийнинг “Сунан”ида келтирилган уч ровийли ҳадисларни тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлигини билдиради. Абдулҳамид Шануҳанинг 1985 йил Байрутда нашр этилган “Таҳриж Сулосийёт ал-Бухорий, ат-Термизий, Ибн Можа, ад-Доримий” номли китобида Имом ад-Доримийнинг уч ровийли ҳадислари сонини 17 та қилиб белгиланган. Лекин Абдуллоҳ Айдинли ушбу ҳадисларни Сулаймония кутубхонасида сақланаётган “ас-Сулосийёт ад-Доримий”³ асарининг нусхаси билан солиштирганда, уларнинг ҳаммаси ҳам уч ровийли эмаслигини аниқлаган⁴. Самъоний ушбу асарни ҳиротлик муҳаддис Абу ал-Вақт Абдулаввал ибн Исо ас-Сижзий (XII аср) ривоят қилганлиги маълум қилган⁵. Айрим ҳолларда тадқиқотчилар томонидан исноди уч ровийли деб топилган ҳадислар ўз тасдиғини топмаган.

Аҳмад Абдулқодир ар-Рафъийнинг тадқиқотида келтирилган 6 та уч ровийли ҳадисларнинг 3 таси тўрт ровийдан иборат бўлган иснодни ташкил қилади. Чунки ар-Рафъий кўрсатган бу иснодларда айрим ровийлар тушиб қолган. Жумладан, *Асвад ибн Омир*→*Қатода*→*Анас ибн Молик* иснодида Асвад (ваф.208/823й.)дан сўнг Шуъба (ваф.160/777й.), сўнгра Қатода (ваф.117/735й.)

келиши керак. Агар Асвад ибн Омир Қатодадан бевосита ҳадис ривоят қилса, унда орадаги йиллардаги фарқ катта бўлиб, 91 йилни ташкил қилади. Бу эса иснодни узлуксизлиги ҳамда ишончлилигига шубҳа туғдиради. Ар-Рафъий ўз тадқиқотида фойдаланган манбада Шуъбанинг исми тушиб қолган. Шунингдек, *Убайдуллоҳ ибн Мусо*→*Ҳанзала*→*Солим ибн Умайр* иснодини беришда ҳам хатолик мавжуд. Бунда “Солим ибн Умайр” - سالم بن عمير эмас, балки “Солим Ибн Умардан” - سالم عن ابن عمر деб берилиши керак. Бу ҳам Ар-Рафъий фойдаланган манбадаги хатоликлардан бири бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳадисларнинг исноди 4 та ровийдан ташкил топган. Демак, бу икки ҳадис уч ровийли ҳадислар туркумига кирмайди.

Араб тадқиқотчиларидан Нубайл ибн Ҳошим ҳам ўз тадқиқотида Имом ад-Доримийнинг “Сулосийёт”ига кирган ҳадислар ҳақида сўз юритади. У ас-Субкий 16 та, Ибн ан-Нур 15 та уч ровийли ҳадисларни тўплаганликларини таъкидлаб, икки олим ҳам деярли бир хил ҳадисларни танлаганликларини билдиради⁷. Фақат ас-Субкий 16 чи ҳадис сифатида Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) томонидан ривоят қилинган ҳадис⁸ни киритган. Ушбу марфуъ ҳадис аслида тўрт ровийли бўлсада, унда саҳобийнинг Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган ривояти келтирилади. Шунга қарамай ас-Субкий ушбу ҳадисни исноди уч ровийли ҳадислар тоифасига киритади. Нубайл ибн Ҳошим ҳар икки олим томонидан қайд этилган яна бир ҳадисга ҳам шубҳа билан қарайди. Бу ҳадис Айфаъ ибн Абд томонидан ривоят қилинган⁹ бўлиб, у саҳобий эмас. Шунинг учун Нубайл ибн Ҳошим бу ҳадисни мурсал* ҳадис деб билиб, “Сулосийёт” таркибига киритишни нотўғри деб ҳисоблайди.

Имом ад-Доримийнинг “Сунан” асарини илмий-тадқиқ этиш давомида 3503 та ҳадис орасидан 15 та уч ровийли ҳадислар аниқланди. Булардан 7 таси Доримийнинг устози Язид ибн Ҳорун (в.206/821 й.)дан ривоят қилинган бўлиб, улар:

² Ермаков Д.В. Хадисы и хадисная литература //Ислам. Историографические очерки.-М.: Наука, 1991. –С.89.

³ Кўпрулу, 1584, 1246-126а.

⁴ Сунани Доримий.//Таржима ва таҳқиқ доктор Абдуллоҳ Айдинли. 1 ж. Истанбул: Мадве йайинлари.1994. –Б.54.

⁵ Самъоний. Китеб ал-ансоб. 2ж. –Б.366.

⁶ Қаранг: Аҳмад Абдулқодир ар-Рафъий. Фаҳрас аҳадис ва осор сунан ад-Доримий. Байрут: Аълам ал-кутуб.1988.-Б.25.

⁷ Нубайл ибн Ҳошим ал-Ғамрий. Итмом ал-ихтимом бимуснад Аби Муҳаммад ибн Баҳром. -Байрут: Дор Куртуба. 2001.-Б.7.

⁸ Сунан ад-Доримий. 1849-ҳадис.

⁹ Сунан ад-Доримий. 3380-ҳадис.

* Мурсал ҳадисда исноднинг охиридаги, тобеъиндан кейинги киши-саҳобий тушиб қолади.

Язид ибн Ҳорун→Ҳумайд→Анас ибн Молик исноди орқали келтирилган¹⁰.

Яна 4 та ҳадис¹¹ Абу Осим ад-Даҳҳок ибн Мухаллад (в.212/827 й.) орқали ривоят қилинган:

ад-Даҳҳок→Убайдуллоҳ→Анас ибн Молик
ад-Даҳҳок→Усмон ибн Саъд→Анас ибн Молик

ад-Даҳҳок→Айман ибн Нобил→Қудома
ад-Даҳҳок→Язид ибн Убайд→Салама ибн ал-Акваъ

“Ас-Сулосийёт”даги яна 3 та ҳадис Жаъфар ибн Авн (в.206/821 й.) томонидан ривоят қилинган:

Жаъфар→Муҳаммад ибн Амр→Абу Салама

Жаъфар→Яҳё ибн Саъид→Анас ибн Молик
*Жаъфар→Исмоил ибн Абу Хolid→Абдуллоҳ ибн Абу Авф*¹².

Охирги 15-ҳадис эса *ал-Фазл ибн Дакин→Мусъаб ибн Салим→Анас ибн Молик* исноди орқали ривоят қилинган¹³. Имом ад-Доримийнинг устози ал-Фазл ибн Дакин (в.218/833 й.)дан ривоят қилинган ҳадис ҳам юқоридагилари каби марфуъ муттасил¹⁴ ҳадислар гуруҳига мансуб.

Ушбу ҳадислар “Сунан”нинг Муқаддима қисми (1та), Таҳорат (1та), Намоз (1та), Рўза (1та), Ҳаж (4 та), Таомлар (2 та), Савдо (2 та), Нозик масалалар (1 та), Изн сўраш (2 та) китобларидан ўрин олган.

Имом ад-Доримийнинг “Сулосийёт”ида келган иснодлардан айримлари бошқа саҳиҳ ҳадис тўпламларида ҳам келтирилган. Жумладан, Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида *Язид ибн Ҳорун→Ҳумайд→Анас ибн Молик* исноди орқали 3 та ҳадис ривоят қилинган. Аммо Имом ал-Бухорий Язиддан бевосита ҳадис эшитмагани, устози орқали ривоят қилгани учун исноддаги ровийлар сони тўрт кишини ташкил этган. Шу боис, ҳадислар Сулосийётлар туркумига кирмаган. Лекин Имом ал-Бухорий *ад-Даҳҳок*(ваф.212/827 й.)→*Язид ибн Убайд→Салама ибн ал-Акваъ*

исноди орқали ривоят қилинган 6 та ҳадис¹⁵ни “Саҳиҳ”ида келтирган. Шунингдек, Имом ал-Бухорий *ал-Маккий ибн Иброҳим* (в.215/830 й.)→*Язид ибн Убайд→Салама ибн ал-Акваъ* исноди орқали яна 11 та ҳадис¹⁶ни, *Муҳаммад ибн Абдуллоҳ* (в.215/830 й.)→*Ҳумайд→Анас ибн Молик* исноди билан 3 та ҳадис¹⁷ни ривоят қилган. Ушбу ҳадисларнинг ҳаммаси Сулосийёт туркумига кирувчи марфуъ муттасил ҳадислардир. Шу билан Имом ал-Бухорийнинг Хожи Халифа қайд этган 22 та Сулосийётларидан 20 таси маълум бўлди.

Ҳар икки муҳаддисларнинг “Сулосийёт”ларидаги ҳадислар исноди олий иснод. Аммо Имом ад-Доримийнинг Язид ибн Ҳорун, Жаъфар ибн Авн, ал-Фазл ибн Дакин каби шайхлардан бевосита ҳадис ривоят қилганлиги ҳадисларнинг даражасини оширилишига сабаб бўлган. Чунки айнан шу ровийлардан Имом ал-Бухорий яна бир ровий (устози) орқали боғланган. Бунга сабаб Имом ад-Доримийнинг Имом ал-Бухорийдан 13 ёш катталигидир. Имом ад-Доримийнинг “Ас-Сулосийёт фи-л-ҳадис” асаридаги барча иснодларни олимлар – “олий иснод” деб таъкидлаганлар. Ал-Каттоний асардаги ҳадисларни хатто Имом ал-Бухорийнинг “Ас-Сулосийёт”идан ҳам устун қўйган¹⁸. Имом ад-Доримийнинг “Ас-Сулосийёт”и бу турдаги асарларнинг энг дастлабкисидир.

Мовароуннаҳрлик машхур муҳаддисларнинг илмий изланишлари, илм ар-рижол, жарҳ ва таъдил каби ҳадис илмлари соҳалари ривожига қўшган ҳиссалари натижасида юзага келган “Сулосийётлар” ўз даври учун муҳим аҳамият касб этган. Ушбу ҳадис тўпламлари таркибига олий иснодли ҳадислар сараланиб, машхур тўпламлар ичида бугунги кунга қадар етиб келди. Буюк аждодларимизнинг сулосийётлари ҳадис илмининг турли соҳаларидаги бекиёс хизматларини яна бир бор тасдиқлайди.

¹⁰ Қаранг: Сунан ад-Доримий. 1396, 1849, 1924, 2064, 2596, 2622, 2841- ҳадислар.

¹¹ Сунан ад-Доримий. 1761,1901,2681, 2701-ҳадислар.

¹² Сунан ад-Доримий. 67,840, 1922-ҳадислар.

¹³ Сунан ад-Доримий. 2062-ҳадис.

¹⁴ Марфуъ муттасил - ҳадиснинг санади аввалидан то охиригача узлуксиз Пайғамбар (с.а.в.)га етказилган ҳадис.

¹⁵ Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. 1790, 2131, 2297, 3937, 5143, 6668-ҳадислар. (Ҳадислар “Мавсуъ. Ал-Кутуб ат-тисъа” дискидаги рақамланиши асосида берилди).

¹⁶ Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. 106, 467, 472, 568, 1868, 2127, 2740, 2814, 3884, 5073, 6383-ҳадислар.

¹⁷ Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. 2504, 4139, 6386-ҳадислар.

¹⁸ Қаранг: Аҳмад Абдулқодир ар-Рафоъий. Фаҳрас аҳадис ва осор сунан ад-Доримий. -Байрут: Аълам ал-кутуб.1988.-Б.24.